

# Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақкам оила  
ЙИЛИ

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 11-SENTABR, SESHANBA, 106 (8031) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan  
Baholi kelishilgan narxda.



Жорий йилда 56,8 гектар ерда "Андижон-36" нави парвариш қилган фермер хўжалиги сўзолари 171,6 тонна пахта хомашиси тайёрлашни режа қилишганди. Йил яхши келди. Табиат деҳқонга қарашди. Ҳар бир агротехник тадбирни мақбул муддатларда ўтказган хўжалик сўзолари далада мўл ҳосил тўпладилар. Бундан бир неча кун олдин теримга киришган пахтакорлар 272,6 тонналик пахта хирмони бунёд этдилар. Ҳосилдорлик режадаги 30,2 ўрнига 48 центнерга етди.



Мустақиллик байрами арафасида "Гулистонпарранда" масъулияти чекланган жамияти тўлиқ ишга туширилди. Буларга қўшимча жамият ҳовлисида товук патини қайта ишлайдиган цех ҳам барпо этиляпти. Барча цехлар ишга тушгач, бу ерда 250 нафар кишига доимий иш ўрни яратилади.



— Болаларимга ҳаммиса бир гапни такрорлайман: ҳалол яшанг. Шунда элнинг олқишини оласиз. Кам бўлмасиз. Оила мустақкамлигининг асоси ҳам ана шу ҳалолликда, — дейди Қарши шаҳрлик Холида ая Тошева.

САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА САХИФАЛАРДА

Тошкентда 17-18 октябрь кунлари жаҳон пахта ва тўқимачилик саноати форуми бўлиб ўтади. Унинг халқаро нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда ва дунёнинг турли мамлакатларидаги кўплаб бизнес тузилмалар эътиборини ўзига жалб этмоқда.



## ЖАҲОН ПАХТА САНОАТИ ФОРУМИ

Етакчи хорижий экспертларнинг таъкидлашича, халқаро ишбилармон жамоатчилиқнинг ушбу воқеага эътибори ортиб бораётгани беҳиз эмас. Негаки, пахта бозорини янада ривожлантириш истиқболлари, пахта саноати ва унинг турдош тармоқларининг эртанги кўни айнан шундай форумлар натижаларига боғлиқдир.

Бунинг устига, ушбу йирик бизнес-тадбирнинг йилнинг энг қулай вақти, яъни навбатдаги пахта ҳосилининг йиғим-терим даври авжига чиққан ва пахта бозориди олди-сотди савдолари фаоллашадиган пайтда ўтказилаётгани ҳам беҳиз эмас. Бу тадбир пахта етиштирувчилар учун ҳам, уни қайта ишловчи корхоналар учун ҳам манфаатлидир.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда пахта саноатида улкан ислохотлар амалга оширилди. Бугун республикаимизда пахта саноати халқаро талабларга мувофиқ етиштириш ва қайта ишлаш бўйича замонавий комплекс ташкил қилинди. Пахта ҳосилини етиштириш ҳажмининг барқарорлигини сақлаш ва жаҳон бозориди мамлакатимизда тайёрланаётган хомашё рақобатбардошлигини ошириш учун тола сифатини янада яхшилаш унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбек пахта толасини экспорт қилиш географиясини кенгайтириш, жаҳон бозорига маҳсулот етказиб бериш самарадорлигини ошириш ва мақбуллаштириш, пахта етиштирувчилар ҳамда истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри муносабатлар ўрнатишга қўмаклашиш давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган асосий вазифалар сирасига кирди. Аввалги ярмаркаларда иштирокчилар бундай шаклдаги ҳамкорлик юқори натижалар бериши ва пахта толаси билан савдо қилишининг бозор механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришига ишонч ҳосил қилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Сурхондарё Вилояти

## ФАЙЗЛИ БОҒЛАР САҲОВАТИ

Мамлакатимизда боғдорчиликни янада ривожлантириш, аҳолини арзон, сифатли, сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда.

Юртимизда пишиқчилик. Саховатли заминимизда пишиб етилган турли ноз-неъматлар баҳри дилингизни очди. Бозорларимизнинг тўкин-сочинлигидан, осойишта, фаровон, овоз ва обод Ватанда яшаётганимиздан ҳақиқатан фахрланамиз. — Интенсив олмазор боғимиз биринчи йилдаёқ баракали ҳосил берди. Меваларни териб, аҳоли дастурхонига тортиқ қиляямиз. Бир қисмини қиш мавсуми учун сақлаб қўямиз. Боғимизда ҳосил чўғи баланд. Янги боғдан 15 тоннадан ортик сервитамин мева йиғиб олишни мўлжаллаямиз, — дейди Денов туманидаги "Хумоюн-А" фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Мўминов.

Таҷрибали фермер, 15 йилдирки, ер билан тиллашиб, пахта, ғалла парваришлайди. Ўтган йили янги ишга қўл уриб, уч гектар майдонда интенсив боғ барпо этди. Бунинг учун 180 миллион сўмлик кредит маблағидан унумли фойдаланди. Ҳа, пешона тери, ҳалол меҳнат эвазига етиштирган нозу неъматни қўни-қўшни, қавму қариндошлар билан баҳам қўриш, эл дастурхонига тор-



тик қилиш халқимизга хос юксак фазилатдир. Мустақиллик йилларида бундай эзгу фазилатлар ҳаётимиздан мустақкам ўрин эгалламоқда. Илгари аграр ҳудуд сифатида қаралган Ўзбекистонда серунум ерлар асосан пахтачилик, пилла ва чорва озқаси учун ажратилиб, боғдорчиликни ривож-

лантиришга етарли эътибор берилмас эди. Миришкорларимиз етиштирган сара нозу неъматлар ҳам собиқ иттифоқнинг юртимиздан олис саноат шаҳарларига жўнатиладиган. Ўша даврда соҳибкорларимиз мева, узум ва бошқа боғдорчилик маҳсулотларини етиштирсан-да, ҳосил пишиб

етилгач, уни эркин тасаруф қилолмасди. — Ўша пайтлар биз ўқувчи эдик. Ўқувчилар ҳар йили мактаб томонидан ҳўл мева, узум йиғиб олишга сафарбар этилар эди, — дейди Олтинсой туманидаги тоғли Зардақул қишлоғлик Абдулҳаким Бўронов. — Эрта тонгдан кечгача ҳосилини йи-

ғиб, машиналарга юқлардик. Лекин, хўжалик раҳбарлари болаларга бир бош узумни раво қўрмасди. Ўқувчилар билан елкама-елка меҳнат қилаётган аёллардан бири уйига уч-тўрт бош узум олиб кетаётгани учун хўжалик раҳбарлари томонидан қаттиқ ҳақорат қилинган ва барчанинг кўз ўнгига узум-

лар эзгилаб ташлангани ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бугун боғларимиз фермерлар ихтиёрида. Улар ҳосил пишиқми, ҳамқишлоқлар билан баҳам қўради, кексаларга олиб бориб, дуоларини олади. Мева-узумни хоҳлаган пайтда сотиб, яшигинга даромад қилади. (Давоми 2-саҳифада)



Жиззах Вилояти

## ДАЛАСИНИНГ ДАРДИ ЙЎҚ, ҲОСИЛИДАН КЎНГИЛ ТЎҚ

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

► Қорақалпоғистон Республикаси Ташкент туманида "Мустақкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Отан, онам ва мен" спортчилар оиласи мусобақаси бўлиб ўтди. Унда барча шартлар бўйича юқори балл тўплаган Курбонбоев оиласи биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринлар Холмуродов ва Ирзаббетов оилаларига насиб этди.

► Андижон давлат тиббиёт институтида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳам-гармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози — 2012» кўриқ-танловнинг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

► Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 10 сентябрь кўни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Пахтакор туманидаги "Пастки булоқ" сув истеъмолчилари уюшмаси ирригатори Ширинбек Анорбоев хонадониди биринчи сентябрь — Мустақиллик байрами ўзгача нишонланди. Байрам арафасида Ширинбек Анорбоев Юртбошимизнинг Фармони билан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор" фахрий унвони билан тақдирланди. Хонадони қувончу шодликка тўлди. Яқинлари, фермерлар, сувчи ва механикаторлар, таниш-билишлар тўғ ўзлари муқофотлангандай, уни қайта-қайта таъриқлашди.

Ҳа, мамлакатимизда инсон кадри, унинг меҳнати шундай улуғланади. Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида соҳада туб ўзгаришлар, ижобий кўрсаткичлар намойиш бўлмоқда. Ана шу жараёнда Ширинбек Анорбоев ҳам ўзининг муносиб меҳнати билан иштирок этиб келмоқда.

Ширинбек Анорбоевнинг меҳнат фаолияти Пахтакор туманидаги қишлоқ хўжалик техникумида тупроқшунослик ва ер ости сувлари фани ўқитувчилигидан бошланган. 36 йил муқаддам Тошкент политехника институти-ни гидрогеология мутахассислиги бўйича тамомлаб, чўлга келди. Унинг ишдаги жонқурлиги, меҳнатқашлиги тезда барчага аён бўлди. 1981 йили ҳозирги

"Пастки булоқ" сув истеъмолчилари уюшмасига янги раҳбар этиб тайинланган таҷрибали олим-агроном Қўлмираза Қамбаров уни хўжалик бош ирригатори вазифасида ишлашга кўндирди. Хўжалик аҳволи жуда танг эди. Мирзачўлни ўзлаштириш жараёнида дренаж-зовур ва суғориш тизимлари чала-чўлла қурилгани боис, яхши ишламасди. Директорга ҳам, ирригаторга ҳам осон эмасди. Ахир, режа бор, режани амал-тақал қилсанг, қўшимча мажбуриятлар юқлашарди. Талаб бўларди-ю, ёрдам берилмасди. Хўжалик тасаруфиди-ги 5 километр канални лой-балчиқ босган, 52 километр лоток-ариқдор ҳам шу аҳволда эди. Бунинг устига жами 5 километрча лотоклар илма-тешиқ бўлиб, ян-гилари билан алмаштириш талаб



этиларди. Тозалаш ва қуриш ишларини тугаллаб бўлганида, пайкаллар бўйлаб 75 километр ёпиқ-ётиқ ва 35 километр очиқ зовур-ларни ҳам қамиш, қиёқ ва лойқа босгани аниқланди.

Директор ва ирригатор биргалашиб, кўшни хўжалиқлардан, қурилиш идораларидан, туман ва вилоят раҳбарларидан ёрдам сўрашди. Ишга жиддий киришишди. Шу тариқа аста-секин ерларига ранг кириб, ҳосилларига ба-рака ина бошлади. Орадан ўн йил ўтгач, пахта ва ғалла ҳосилдор-лиги қайта тикланиб, пахтачилик-да 14 центнердан 22 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги 28 центнер-

га кўтарилди.

— Юртимиз мустақилликка эришгачгина, биз, деҳқонларнинг пешонамиз ярақлади, — дейди Ширинбек Анорбоев. — Мамлакатимизда амалга ошири-ла бошланган изчил ислохотлар шарофати билан деҳқон ҳам, унинг ери ҳам қадр топди. Замонавий техника ва технология-лар билан таъминланганимиз. Юртбошимиз ҳосилдорликни оширишининг ҳам, деҳқон оёғу-этиборини юксалтиришининг ҳам омилни ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш эканини эътироф этиб, бундан беш йил бурун «Ерларнинг мелиоратив

ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фар-монини эълон қилгач, ушумма-миз далаларида янги ва юқори иш унумли қазиш, тозалаш ва қуриш техникалари ишга тушди. Бундан илгари таъмирлаган ва тозаланган ёпиқ-ётиқ зовурлари-мизни ҳам, очиқ зовурларимиз-ни ҳам деярли қайтадан тоза-лаб чиқдик. 15 километрдан зиёд янги зовур қазидик ва бу билан уюшмамиз таркибига яна 200 гектарча ер қўшдик. Ўн километр қўшимча зовур қовлаб, 6 та фермер хўжалиги зовур-дренаж тизимининг янада сама-рали ишлашини таъминладик.

Булардан ташқари, жорий йил бошидан буён 32 километр ёпиқ дренажларимизни махсус техни-калар ёрдамида ювиб, чўкинди-лардан халос этган ҳолда, 6 кило-метр янги дренажлар ётқиздик. Энди далаларимизнинг дарди йўқ, соғлом. Бинобарин, экин-ларимиз ҳосилдорлиги ошаверди. Буни уюшмамиз деҳқонларининг 1300 гектар ғаллазорларидан жорий йилда давлатта салкам 4 минг тонна сара дон сотгани, 1200 гектар пахтазорларининг ҳар гектаридан 28 центнердан "оқ олтин" йиғиб-териб олишга тай-ёрганлик кўришайётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди. Ҳали булар келажакда қўлга киритадиган кат-

та ютуқларимизнинг дебочаси. Зеро, заминимиз соғлом, дала-мининг дарди йўқ, ҳосилимиз ошаверади.

— Уюшмада 25 та фермер хўжа-лиги бўлса, барчасининг тупроқ-ер шароитини, суғориш тизими-ни яхшилаш, дренаж ва зовурла-рини мукамаллаштиришда, пи-ровард натижада ҳосилдорлиги-ни кўтаришда жонқуяр ижрочи Ширинбек акадир, — дейди илг-ор фермер Зокиржон Яхшибоев. — Унинг ташаббускорлиги ва би-лимдонлиги туфайли атиги бун-дан 15 йил бурун ҳам тупроғи шўрлигидан қор босгандай оппоқ бўлиб ётадиган, пахтанинг ҳам, ғалланинг ҳам ҳосилдорлиги 15-16 центнерга тушиб кетган дала-ларимизга жон кириб, ҳозирги пайтда ҳосилдорлиги икки ҳисса ошди.

— Ерга меҳр, элга меҳр, дейи-шади, — дейди Ширинбек Анор-боев. — Соҳага қаратилган эътибор ғайратимизни оширмоқ-да. Бу унвон, нафақат менга, бал-ки халқимиз дастурхони тўкин-лиги йўлида меҳнат қилаётган барча қишлоқ хўжалик ходимла-рига берилган юксак эътироф деб биламан.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. СУРАТДА: Ширинбек Анорбоев (чапда) ишичи Жовут Бозоров билан.

# ЖАҲОН ПАХТА САНОАТИ ФОРУМИ



қаро форумнинг ушбу иккинчи қисми мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қароридан ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизда экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сотиш бозорларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган. VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари ҳам махсус ташкил қилинадиган кўргазмада кенг тақдим этилади. «Ўзбек-енгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз тўқимачилик саноати салоҳиятини намойиш этишни режалаштирмоқда. Тақдимот давомида соҳада берилган имтиёз ва преференциялар, яратилган қўлай инвестицион муҳит, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, банк-молия, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таништирилади.

Бу юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган жуда тўғри ва пухта йўналган ёндашув бўлиб, миллий иқтисодиёт самарадорлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, четдан олиб келинадиган эмас, балки маҳаллий хомашёга асосланган тўқимачилик саноати бизнеснинг энг фойдали йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳорижий ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция сарфлашдан манфаатдордир. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада қарийб 150 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Эттинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якулири бўйича 600 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта таласини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 550 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, бу йил ярмаркага дунёнинг унлаб мамлакатларидан ҳорижий иштирокчилар ташриф буюради. АҚШ, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея Республикаси, МДХ, Яқин Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси, Африка мамлакатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тadbирларда Пахта бўйича халқаро маслаҳат кенгайтаси, «Cotton Outlook» агентлиги ҳам қатнашади. Уларга жорий ва келгуси йиллар ҳосилдани тайёрланган ўзбек пахтасини етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун кенг имкониятлар яратиб берилади. Шу билан бирга, биржа ва ярмарка савдолари, етказиб бериш босқичида узоқ мuddатли ҳамкорлик, товарнинг сифатли кўрсаткичлари билан танишиш, икки томонлама музокара, ишлаб чиқариш, савдо ҳамда логистика соҳасидаги янгиликлар каби турли ҳамкорлик шакллари тақдир этилади. Форум доирасида халқаро конференция, давра суҳбатлари, бўлажак шериклар билан учрашувлар, деҳқон хўжалиқлари ва йирик халқаро терминалларга бориш ташкил этилади. Ярмарка давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган пахта навлари таласининг юзлаб намунаси қатнашчилар эътиборига ҳавола этилади. Сотувга қўйилган ҳар бир тўй пахта «Сифат» Ўзбекистон пахта таласини сертифицилаш маркази томонидан берилган сертификатга эга бўлади. Пахта таласини текшириш учун марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида ўрнатилган HVI юқори технологик тизимлардан фойдаланилмоқда. Ярмарка қатнашчилари тоғари хорижий истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича тақомиллашган инфратузилмани ўз қўллари билан кўриши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 22 иқтисослаштирилган пахта терминалларида бир пайтнинг ўзига 400 минг тоннадан зиёд пахта таласини сақлаш мумкин. Кенг тармоқли логистика тизими шаклланиши ҳамда улар кўпгина давлатларда харидорсиз эканини кўрсатади. Энди эса эришилган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш ва изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Ташкилотнинг ушбу иккинчи қисми мамлакатимиз тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қароридан ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хомашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизда экспортга мўлжалланган рақобатбардош саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларни сотиш бозорларини кенгайтириш зарурлиги қайд этилган. VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари ҳам махсус ташкил қилинадиган кўргазмада кенг тақдим этилади. «Ўзбек-енгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз тўқимачилик саноати салоҳиятини намойиш этишни режалаштирмоқда. Тақдимот давомида соҳада берилган имтиёз ва преференциялар, яратилган қўлай инвестицион муҳит, юқори малакали кадрларнинг мавжудлиги, банк-молия, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таништирилади.

Бу юқори кўшимча қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишга қаратилган жуда тўғри ва пухта йўналган ёндашув бўлиб, миллий иқтисодиёт самарадорлигини янада ошириш имкониятларини кенгайтиради. Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, четдан олиб келинадиган эмас, балки маҳаллий хомашёга асосланган тўқимачилик саноати бизнеснинг энг фойдали йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис ҳорижий ишбилармон доиралар вакиллари Ўзбекистон тўқимачилик саноатига инвестиция сарфлашдан манфаатдордир. Бугунги кунда мамлакатимизда ушбу соҳада қарийб 150 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Эттинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси якулири бўйича 600 минг тоннадан ортиқ Ўзбекистон пахта таласини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 550 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, бу йил ярмаркага дунёнинг унлаб мамлакатларидан ҳорижий иштирокчилар ташриф буюради. АҚШ, Хитой, Россия, Европа Иттифоқи давлатлари, Япония, Ҳиндистон, Бангладеш, Жанубий Корея Республикаси, МДХ, Яқин Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақаси, Африка мамлакатлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, тadbирларда Пахта бўйича халқаро маслаҳат кенгайтаси, «Cotton Outlook» агентлиги ҳам қатнашади. Уларга жорий ва келгуси йиллар ҳосилдани тайёрланган ўзбек пахтасини етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун кенг имкониятлар яратиб берилади. Шу билан бирга, биржа ва ярмарка савдолари, етказиб бериш босқичида узоқ мuddатли ҳамкорлик, товарнинг сифатли кўрсаткичлари билан танишиш, икки томонлама музокара, ишлаб чиқариш, савдо ҳамда логистика соҳасидаги янгиликлар каби турли ҳамкорлик шакллари тақдир этилади. Форум доирасида халқаро конференция, давра суҳбатлари, бўлажак шериклар билан учрашувлар, деҳқон хўжалиқлари ва йирик халқаро терминалларга бориш ташкил этилади. Ярмарка давомида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ишлаб чиқарилган пахта навлари таласининг юзлаб намунаси қатнашчилар эътиборига ҳавола этилади. Сотувга қўйилган ҳар бир тўй пахта «Сифат» Ўзбекистон пахта таласини сертифицилаш маркази томонидан берилган сертификатга эга бўлади. Пахта таласини текшириш учун марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида ўрнатилган HVI юқори технологик тизимлардан фойдаланилмоқда. Ярмарка қатнашчилари тоғари хорижий истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича тақомиллашган инфратузилмани ўз қўллари билан кўриши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 22 иқтисослаштирилган пахта терминалларида бир пайтнинг ўзига 400 минг тоннадан зиёд пахта таласини сақлаш мумкин. Кенг тармоқли логистика тизими шаклланиши ҳамда улар кўпгина давлатларда харидорсиз эканини кўрсатади. Энди эса эришилган муваффақиятларини янада мустаҳкамлаш ва изчиллик билан ривожлантириш зарур.

Виктор НИКОЛАЕВ, УЗА мухбири

## Тошкент Вилояти

# МАҲАЛЛАЛАР ФАОЛЛАРИ ПАХТАКОРГА ҲАМКОР

**Халқимизнинг шундай турмушо нақли бор: «Маҳалла ҳам отанг, ҳам она».** Бу иборда маҳалланинг, унинг фаолларининг эзгу ишлар хайрихоҳи эканлиги ҳам мужассамлашган. Бирон киши тўй қилмоқчи ёки уй қурмоқчи бўлса, умуман барча хайрли ва савобли тadbир маслаҳатидан гап очилса, шундай деймиз: «Қолаверса, маҳалла ҳам қараб турмайди». Ана шундай савоб ишларнинг силсиласи ўлароқ, бизда ҳеч қайси юрtdа бўлмаган ҳашар деган эзгу уду м омалашган.

Мана, пахтакорларимиз учун «жўнаиб санайдиган пайт» келди. Куз — ҳосил йиғиш мавсуми. Йил бўйи қилинган машаққатли меҳнат ҳосилини йиғиб-териб олади-ган фасл. Қолаверса, пахта — эл бойлиги, орти шони. Бизнинг қишлоқ фуқаролар йиғинимизда 16 та фермер хўжалиги бевосита пахтачилик билан шуғулланади. Улар 907 гектар майдонда

борга олиб, хайрли ишга қўл урдик. Фермерлар билан маслаҳатлашдик. Бир-галликда қўшма тadbирлар режасини ишлаб чиқдик. Унга кўра хайрихоҳи қишлоқларни жалб этиб, ҳосилни йиғиштириб олишда фермерларга маддкор бўламиз. Далаларни айланб чиқдик, пишиб етилган кўсақларнинг бир текис очилиши учун гўзалар тўлиқ дефолиация қилинган. Пахта қийғос очилмоқда. Таҳлилий ҳисоб-китобларга кўра, пахтазорларда 2,5 минг тоннага яқин ҳосил тайёр бўлибди. Худудимиздаги 16 та фермер хўжалигида 300 га яқин киши доимий ишлайди. Демакки, улар йиғим-теримда фаол иштирок этади.

## Андижон Вилояти

# ҲОСИЛ СИФАТИДАН БАРЧА БИРДЕК МАНФААТДОР

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ЙИГИМ-ТЕРИМ МАВСУМИНИ АНА ШУ ТАМОЙИЛ АСОСИДА УОШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗМОҚДАЛАР

**Вилоят марказидан Асака томон тўрт чақирим йўл босиб ўнг томонга қарангиз, гўзал бир манзара касб этган пахтазорга кўзингиз тушади. Шунда беихтиёр «бу чаманзорни барпо этган «олтин қўллар»га тасанно», деб юборасиз. Далага разм солганингиз сари эса деҳқонларнинг меҳнатига бўлган ҳурматингиз ортаверади.**

Бу далалар Андижон туманидаги Иброҳимжон Алимов бошлиқ фермер хўжалигига қарайди. У деҳқончиликда яхшигина тажриба тўплаган фермерлардан. Ишга, меҳнатга шижоати баланд. Буни шундан ҳам билса бўладики, бир пайтлар ҳозир мана шу яшнаб турган далалар қамишу ажриқ босган, неча-неча деҳқондан, яъни қўлдан-қўлга ўтавериб ҳолдан тойган, аммо обод бўлмаган далалар эди. Бу ерлар Иброҳимжон Алимовнинг илгирги ўтиб-гина обод бўлди. Шунда ўз-ўзидан савол туғилди. Хўш, Иброҳимжон бу ишни қандай эллади? Қанча-қанча фермерлар уйдасидан чиқолмаган дала Иброҳимжонга қандай қилиб саволатини очди?

Жорий йилда 56,8 гектар ерда «Андижон-36» навини парвариш қилган фермер хўжалиги аъзолари 171,6 тонна пахта хомашёси тайёрлашни режа қилишганди. Йил яхши келди. Табиат деҳқонга қарашди. Ҳар би арготехник тadbирни мақбул мuddатларда ўтказган хўжалик аъзолари далаларда мўл ҳосил тўпладилар. Бундан бир неча кун олдин теримга киришган пахтакорлар 272,6 тонналик пахта хирмони бунёд эдилар. Хосилдорлик режадаги 30,2 ўрнига 48 центнерга етди. Амалда шартнома режаси ҳозирча салкам 160 фойзга бажарилди. Хали далада пахтасти терилмаган 4 гектар майдон бор. Ҳар куни 600 дан зиёд теримчи пахта терпти. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биринчи терим оқшириб қилдирилган 52 центнердан оқшириб қилинган. Энг асосийси, тайёрланган ҳосилнинг катта қисми уруликка қабул қилинди.

Аслида бунга эришиш осон бўлмади. Машаққатлар билан бошланган биринчи йили фақатгина шартнома режасигагина бажарилди. Иккинчи йили об-ҳаво ноқулай келди. Гўзалар эндигина қийғос шонога кирган-да, далалар жалада қолди, гўзаларни дўл уриб кетди. Шундай шароитда ҳам хосилдорлик 40 центнерга етди. Иброҳимжон Алимов тажрибани яхши кўради, айниқса илгор тажрибани. Изланишдан, интилишдан, янгилик ахтаришдан чарчамайди. Шундай кезларда унинг оромини Кўргонтепа туманидаги «Оқ сув» фермер хўжалигининг раҳбари Алжон Аҳмедовнинг шудгорсиз технология асосида гўза парвариш қилиш тажрибаси бузди. Шу-шу 70-80 километр йўл босиб «Оқсув» фермер хўжалигига боришни қанда қилмади. Иброҳимжондаги интилишни кўрган Алжон Аҳмедов ўз технологиясини унга ўз фермер хўжалигида ҳам сибаб кўришга розилик берди. 2011 йили икки терим ҳисобига Иброҳимжон бошлиқ «Гулшан Ахтани» фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 48 центнердан ортиди.

Хўш, бу йилда эгарт орасангиз, гўза шохларидидаги бўлиқ кўсақлар ҳали кўпчилигини кўрасиз. Демакки, очилмаган чаноқлар бисёр. Кўз билан чамалаб ҳам биласизки, бу йил пахта ҳосилдорлиги 60 центнердан ошди. Ҳа, Андижон вилоятида Иброҳимжон Алимов сингари хосилдорликни оширишга интилаётган фермерлар сифати кенгайиб бормоқда. Жумладан, Пахта-обод туманидаги «Авангард» фермер хўжалигида вилоятда биринчи бўлиб гўза гул қўрсатган эди. Мана шу илгорликни фермер хўжалик аъзолари ҳосилни пишириб етилтиришда ҳам сақлаб қолишди. Пахта тайёрлаш режаси ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб бажарилди. Биринчи теримда



хар гектар ердан салкам 38 центнердан ҳосил олинди. Шартнома режаси 110 фойзга бажарилди. Хали далада ҳосил мўл. Фермернинг айтишича, ҳосилдорлик 50 центнерга этади. «Авангард»га қўшни «Анорбой Абдуқаҳор» фермер хўжалигида эса шартнома режаси 117,2 фойзга удалланди. Авазбек Исомиддинов етакчилик қилаётган «Эргашбой ота Абдулло» фермер хўжалигида 44,4 гектар ерда гўзанинг «Андижон-36» нави парвариш қилинган эди. Биринчи теримда хар гектар ердан 38,3 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди. Фермерларнинг қисқа фурсатда ҳосилни йиғиб-териб олаётгани, шартнома режасини удаллаётганининг яна бир омили шундаки, мавсум отряд усули уюшқоқлик билан ташкил этилган. Сирасини айтганда, андижонлик пахтакорлар йиғим-терим мавсумига ана шундай ғайрат билан киришди, далаларда тўплаган ҳосилни кўзининг ёғини-сочинли кўнларига қолдирмай йиғиштириб олишни мақсад қилишган.

Қожиқон Аскарлов, «Qishloq hayoti» мухбири

# ФАЙЗЛИ БОҒЛАР САХОВАТИ

Президентимизнинг 2009 йил 26 январда қабул қилинган «Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилда 158 гектар майдонда интенсив боғ ташкил этилиб, хориждан келтирилган олма, олхўри, нок каби сервитамин мева кўчатлари қадалди. Янги боғ ниҳолларини маҳаллий иқлимга мослиги, серхосил ва сердаромадликдан фермерлар мамнун.

Маҳаллий кўчатдан боғ яратасан, ун йилда ҳосилга киреди, дейди Қумқўрган туманидаги «Чорвадор» фермер хўжалиги раҳбари Раҳимиддин Шаропов. Интенсив боғ эса бир йилда ҳосил берди. Утган йили 6 гектар майдонда интенсив олмазор боғ барпо этган эдик. Мутахассислар тавсияси асосида кўчатларни тўлиқ кўкартириб олдик. Улар маҳаллий иқлимга тез мослашди. Пишиб етилган мевани пешма-пеш йиғиб олиб, аҳолини арзон ва темир моддасига бой маҳсулот билан таъминлашми. Бу йил хар гектар майдондан беш тоннагача ҳосил олаётган боғ барпо этилган. Улар маҳаллий иқлимга тез мослашди. Пишиб етилган мевани пешма-пеш йиғиб олиб, аҳолини арзон ва темир моддасига бой маҳсулот билан таъминлашми. Бу йил хар гектар майдондан беш тоннагача ҳосил олаётган боғ барпо этилган. Улар маҳаллий иқлимга тез мослашди. Пишиб етилган мевани пешма-пеш йиғиб олиб, аҳолини арзон ва темир моддасига бой маҳсулот билан таъминлашми.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фермерлик ҳаракатининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, деҳқонлар меҳнатининг оқсак кадрланаётганини ёлғи боғларни замонавий усулда парваришлаб, аҳолини сифатли, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қизиқишни янада қўшатирилмоқда. Буни боғларга ҳосилни баҳорнинг дўл ва кучли ёмғирдан, ёзнинг жазирама иссиғидан сақлайдиган тўр пардалар қоплана-ётигани, томчилатиб суғориши, озқилантириш ва бошқа илгор агротехник тadbирларнинг жорий этилаётгани ҳам кўриш мумкин.

— Ер ҳам, нозу неъмат ҳам ўзимизники. Этиштирилган ҳосилга ўзимиз эгалик қиламиз, — дейди Сароисёев туманидаги «Боғубўстон» фермер хўжалиги раҳбари Носирхон Тўрақуллов. — Олинган даромаднинг бир қисmini қишлоғимизни ободонлаштириш учун сарфлаймиз. Илгор тажрибалари қўллаб, замонавий боғ яратиш ҳам инсонга хузуру бағишлайди. Утган баҳорда яхши ният билан ўн гектар майдонда интенсив олмазор боғ яратдик. Кўчатлар тўз этагидаги ерларимизга тез мослашди. Ундан, насиб этса, келгуси йили мўл ҳосил оламиз. Дараклар устига тутилган тўр пардалар ҳосилнинг бир текис пишиб етилишини таъминлайди. Пўстлоғи текис, товлиниб турган мева бозорда ҳам харидорсиз бўлади.

— Томчилатиб суғоришнинг фермер учун ҳам, зироат учун ҳам бир қатор афзалликлари бор, — дейди Денов туманидаги «Хумоюн-А» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Хўшбоқов. — Мутахассислар билан қилган ҳисоб-китобимизга кўра, уч гектар боғни оддий усулда суғориш учун 2,4 минг-3,6 минг кубметр сув сарфланган экан. Томчилатиб суғорилганда бу кўрсаткич бир неча баравар камаяди. Ниҳолларга берилмаган ўғит ва бошқа микроэлементларнинг полиэтилен қувурлар орқали сув билан юборилиши икки-уч агротехник тadbирни қисқартириб, фермернинг харажатларини камайтиради. Деҳқонлар яхши биладики, ўсимликка орқали сув ҳам зарардир. Томчилатиб суғорилганда ниҳоллар меърибиде намланиб туради.

Боғдорчилик истиқболлари ҳақидаги бундай фикрлар соҳани ривожлантиришда фермерлар тажрибаси йилдан-йилга ортиб бораётганини ва аҳоли фаровонлигини оқшатириш, қишлоқлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда фермерлик ҳаракати етакчи кучга айланаётганини кўрсатади. Вилоятда 10 минг 963,5 гектар ҳосилдор мевали боғ, 12 минг 881,3 гектар узумзор мавсумидаги боғ, 42 минг 897 гектар ер майдони томоркага ажратилган. Бу йил сохиқборлар 124 минг 100 тоннадан ортиқ қўл

засавдосервис» масъулияти чекланган жамияти Сароисёев туманида, «Шермухаммадбобо» фермер хўжалиги Шўрчи туманида, «Афросиёб» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси Денов туманида қуввати 500 тонналик замонавий омборлар бунёд этмоқда. — Бозорларимизда кишин-ёзин сервитамин озиқ-овқат маҳсулотларининг арзон нархларда сотилаётганидан жуда мамнунимиз, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси Орақул Соатов. — Масалан, бугун Сурхон воҳисидан бир килограмм олма минг-бир ярим минг сўмдан харид қилинмоқда. Бозор расталаридан шафтоли, олча, узум каби нозу неъматлар ўртача 1,1 минг-1,2 минг сўмдан сотиб олинаётди. Барчамизга бирдек қувонч улашадиган бундай маъмуриликка истиқлол шарофати билан эришганимизга шукрона айта-миз. ...Тароватли юртимизга олтин қўз ўз сепини ёймоқда. Серфайз боғ-роғларимизда пишиб етилаётган бир-бирдан ширин нозу неъматлар кўзи камаштирди. Боғдорларимиз сархил меваларни йиғиб олиш билан банд. Боғларимиздаги қизгин меҳнат ҳам, бозорларимиздаги тўкин-сочинлик ҳам юртимизда тинчлик, хотиржамликни сақлаш, аҳолини сифатли, табиий ва сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишхотлар самарасидир. **Ҳолмўмин МАМАТРАЙМОВ, УЗА мухбири**

Сурхондарё Вилояти

ЖАРАЁН

Андижон Вилояти

# ШИЖОАТИ БАЛАНД ЖАРҚҮРҒОНЛИКЛАР

**Жарқўрғон тумани аҳли ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, муайян ютуқларга эришишмоқда, барча соҳаларда муваффақиятлар кўламини кенгайтиришмоқда. Буни биргина 2012 йилнинг ўтган ойларидаги иқтисодий кўрсаткичлар ҳам яққол намоён этиб турибди.**

фермер хўжалиги ҳам барча кўрсаткичлар бўйича илгорлардан. Биз ушбу фермер хўжалик даласида бўлдик...

Фермер Абдулла Ҳайдаркулов ғайратли, шижоатли ёш қишлоқ мулкдорларидан.

— 108 гектар майдонда пахтачилик билан шуғулланяпмиз, — дейди у чамандай очилган пахта далаларига ишора қилиб. — Жорий йил 50 центнерлик маррани кўзлаганмиз. Ҳозирнинг янги "Султон" нави бизнинг иқлим ва табиий шароитимизга мос экан. Ҳар бир агротехник тадбирни ўтказишда йил хусусиятидан келиб чиқиб, фан ютуқларига амал қилишга ҳаракат қиламиз. Беш йилдирки, ушбу навадан мўл ҳосил оляпимиз.

Отам уста деҳқон эдилар. У кишининг тажрибаси фермер хўжалигини ривожлантиришга асос бўлди. Хўжалигимизда таж-

рибали деҳқонлар кўп. Сувчилар Шоди Бозоров, Собир Раҳматуллаев, механизатор Баҳриддин Абдумуродовлар мададига суяниб, ҳосилдорликни оширяпмиз.

Туманда Абдуллажон сингари шижоатли фермерлар, улар бошқараётган фермер хўжалиги аъзолари меҳнати билан қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Туман шароитида чорвачиликни ривожлантиришнинг қатор кулайликлари бор. Бу борада эътибор наслчиликка қаратиляпти. Хориждан насли қорамол келтириб, фермер хўжаликларида парвариш этиляпти. Шу ерда ташкил этилган зооветеринария ҳамда сунъий қочирини пунктлари насли молларни кўпайтиришда қўл келаётир. Қолаверса, истиқболли тармоқларни ривожлантириш мақсадида қатор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Бу жараёнда тижорат банкларининг ҳам муносиб улуши бўлаётир.

— Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллик тўйини муносиб меҳнат тўғралари, янги-янги бинолар, иншоотлар, корхоналар аҳоли учун ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. 140 ўринли "Болалар сихатгоҳи"ни "Сан-ди туман ҳокими Усмон Туропов. — Жумладан, "Искандар Исроилов" фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш цехи ишга тушди. Корхонага хориждан замонавий технология олиб келиниб ўрнатилди. Бу билан унга яқин иш ўрни яратилди. Энг улуг ва азиз байра-



мимиз арафасида туманимизда битта 170 ўринли мактаб, 48-мактаб филиали учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улугбек, Қораёнтоқ, Ҳороқ Худоев маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган аҳоли учун ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. 140 ўринли "Болалар сихатгоҳи"ни "Сан-ди туман ҳокими Усмон Туропов. — Жумладан, "Искандар Исроилов" фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш цехи ишга тушди. Корхонага хориждан замонавий технология олиб келиниб ўрнатилди. Бу билан унга яқин иш ўрни яратилди. Энг улуг ва азиз байра-

Сирасини айтганда жарқўрғонликлар ижтимоий-иқтисодий соҳада кўзланган натижаларга эришмоқдалар. Қишлоқ аҳолиси турмушини тубдан яхшилаш мақсадида намунавий уй-жойлар қурилишига ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Тумандаги Қораёнтоқ маҳалласида 40 та, Улугбек маҳалласида эса ана шундай бешта турар-жойлар қурилиши ниҳоясига етказилди. Шошилиқ тез тиббий ёрдам учун замонавий бино қурилиши мuddатидан олдин аяқланди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.  
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар

## СИФАТЛИ СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Илгари бу ерга сут маҳсулотлари асосан вилоят марказидан келтирилар эди. Энди аҳоли нисбатан арзон ва сифатли сут маҳсулотларини шу ернинг ўзида харид қилиш имконига эга бўлди.

— Мақсадимиз келгусида нафақат маҳсулот ҳажми, балки унинг турини ҳам кўпайтиришдир, — дейди корхона раҳбари Т.Абдувоҳидов. — Жорий йилда бир неча турдаги сут маҳсулотлари, келгуси йилдан эса мевали музқаймоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Корхона энг асосий хомашё — сутни аҳолидан сотиб олмақда. Бу маҳсулотлар таннархини бирмунча камайтириш имконини бераётир.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
ЎЗА мухбири



БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

## ГАЗ БАЛЛОНИДАГИ "БАЛО"

**Юртимиздаги нарковазията дунёдаги наркотик моддаларнинг 93 фоизини ишлаб чиқарувчи Афғонистон ва гиёҳвандлик воситаларининг ўтиш эҳтимоли юқори бўлган Тожикистон ҳамда Қирғизистон билан чегарадошлик салбий таъсир кўрсатмоқда. Вилоятимизнинг Афғонистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадошлиги эса масъул идоралар билан бир қаторда, божхона ходимларининг ҳам фаолиятидаги масъулиятини оширмоқда.**

Кейинги вақтда наркотик моддаларни ташувчилар "захри қотил"ни олиб ўтишининг турли йўллари йўлаб топмоқдалар. Жумладан, 2012 йилнинг март ойида Тожикистон Республикасидан Саросиё тумани ҳудудидаги "Кудукли" темир йўл бекатига кириб келган "Душанбе — Москва" йўловчи поездининг М.Нормаматов ва М.Тўраев кузатувида бўлган вагонни назоратдан ўтказган божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари вагондаги суяқ газ баллонининг меъёридан ортиқ оғирлиги шубҳали кўринди. Баллон текширилганда, унинг ичида 7 килограммдан ортиқ героин моддаси борлиги аниқланди.

Шу йил 11 май куни вилоят божхона бошқармаси "Айритом" чегара божхона комплексининг кириш залида фуқароларни божхона назоратидан ўтказиш давомида Афғонистондан Қозғонистонга мамлакатимиз орқали ўтиш мақсадида келган қозғонистонлик Н.Казанцев ва унинг хотини О.Малова белгиланган тартибда шахсий қўриқдан ўтказилганда О.Малованин ички кийимини ичида 2 дона кишик пайпоқча ўралган, цelloфан пакетта жойлаштирилган гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Экспертларнинг хулосасига кўра, ушбу модда "гашиш" бўлиб, унинг оғирлиги 14,81 граммни ташкил этди.

Орадан бир неча кун ўтиб, яъни 17 май куни "Болдир" темир йўл чегара божхона пости орқали "Тожикистон — Россия" йўналишида ҳаракатланаётган юк поезди таркибидagi ярим очик типдаги вагон масъул идора ходимлари билан ҳамкорликда божхона назоратидан ўтказилиши натижасида аниқландики, мазкур юк поезди вагонининг остки қисмига мохирлик билан яширилган, скотч билан ўралган, 8 дона ўрамдан иборат 845 грамм "героин" гиёҳванд моддаси ва 11 дона ўрамдан иборат 1 килограмм 928 грамм "гашиш" гиёҳванд моддаси жойлаштирилган экан. Вилоят божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими маълумотларига қараганда, жорий йил бошидан буён бу каби қонун бузилиш ҳолатларининг 19 тасига чек қўйилган.

**Гавҳар МАҲМУДХОНОВА,**  
Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходими,  
Чори **ЖУМАКУЛОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

Сургарё Вилояти

ПАРРАНДАЧИЛИК

**Тадбиркор Ойбек Абдиев турли сабабларга кўра фаолият юритмаётган Гулистон паррандачилик фабрикасини тиклашга, тиклашга эмас, зотли товۇқлар боқиб, парҳезоп гўшт етиштиришга қарор қилди.**

## КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

Мақсадга эришиш учун хориждан 250 минг товۇққа мўлжалланган, бир йилда 2000 тонна парранда гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган ускуналар келтирилиб, ўтган йилнинг ноябрь ойида ўрнатилиш ишлари бошланди. Фабрикани қайтадан қуриш, тиклаш, ускуналарни ўрнатилиш баробарида ойига 1 миллион жўжа очиб

раҳбари Ойбек Абдиев. — Цехларда ҳозир 36 мингта товۇқ парвариш қилинмоқда. Замонавий инкубаториямида 21 кунда туҳумдан жўжа очиради. Беш ой боқилган жўжалар эса туҳум бера бошлайди.

Мустақиллик байрами арафасида фабрика тўлиқ ишга туширилди. Буларга қўшимча фабрика ховлисидан



чикарадиган инкубатория ҳам ишга туширилди. Айна пайтда бу ерда товۇқчилик фермалари, инкубаториялар учун йилига 1 миллион дона туҳум етказилмоқда. Бир ой цехларда боқилган жўжалар 1,5 килограмм тош босгач, гўштга топширилади. Соатида 3 минг товۇқни сўйишга мўлжалланган қушхонада барча шароитлар муҳайё этилди.

— Айна чоғда 2 та цехда насли бройлер товۇқларни боқяпмиз, — дейди "Гулистонпарранда" МЧЖ

товۇқ патини қайта ишлайдиган цех ҳам барпо этиляпти. Барча цехлар ишга тушгач, бу ерда 250 нафар кишига доимий иш ўрни яратилади. Бехзод Абдиев, Акмал Фозилов, Нигора Йўлдошева, Насиба Каримова, Илҳом Сирлибоев, Исмоил Қудратов каби оператор, ветеринар врач ва паррандабоқарлар жўжа очирини ва товۇқларни қатъий равионда боқуш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

**Б.БЕКМУРОДОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

## «ДЕҲҚОНЧИЛИК БИР ЙИЛДА, ЧОРВАЧИЛИК ҚИРҚ ЙИЛДА»

Форишлик Одил бобо Ризақулов шундай дейди. Бунинг боиси шуки, деҳқон ҳосилини бир йилда олади. Йил яхши келса, ҳосил мўл бўлса, деҳқоннинг иши ўнланган. Чорвадор меҳнати самарасини кўриши учун эса йиллар керак бўлади.

— Умрим қиру адирларда ўти, — дейди Одил бобо. — Бундан сира афсусланмайман. Чўпонлик орқасидан уй-жойли, ували-жували бўлдим. Тўғри, чўпонликнинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги ма-

да насл катта аҳамият касб этди. Отаримиздаги қўйлар зотини яхшилаб олди. Пенсияга чиқиб, ишни фарзандларим, набираларимга топширдим.

— Бугунги кунда хўжалигимиз отарларидан 30 минг бошдан ортиқ қўй-қўзи боқияпти, — дейди "Фориш" ширкат хўжалиги раиси Пулат Очилов. — Хўжалигимизда Одил бобо Ризақулов сингари тажрибали чўпонларимиз кўп. Биз уллардан йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олиб тураемиз. Вилоят

"Қорақўл" бирлашмасининг тармоқ ривожига бағишланган семинарлари айнан шундай тажрибали чўпонлар бошлиқ хўжалиқларда ўтказилади. Шу кунларда чорвадорларимиз киш тадоригини кўришяпти. Озуқа базасининг мустақамланишига эътибор қаратишмоқда. Ахир, ўтган икки мавсум ўз инжиқликларини билан чорвадорларимиз бардошини сновдан ўтказди. Шу боис, бу йилги қишлоғга ҳозирдан-ноқ пухта тарадуд кўряпмиз. — Ота касбини, яъни

чўпонлик тағини қўлга олганимга йигирма йилдан ошди, — дейди бош чўпон Нурбек Ризақулов. — Отаримизда 440 бош қорақўл қўйлари боқилади. Бу йилги қўзилатиш мавсумини яхши аяқунладик. Ҳар юз бош совлиқдан юзтадан қўзи олди. Олинган қўзиларнинг 20 фоизи терига олинган бўлса, 80 фоизи зотли қўзи ўстиришга қолдирилди. Бу келгусида қорақўлчиликни яхшилашга пухта замин яратилди омил вазифасини ўтайди.

Маълумки, ўзбек қорақўлининг шухрати дунёга машҳур. Бу соҳани янада ривожлантириш йўлида Одил бобо ва у кишининг фарзанди ва набиралари, қолаверса, барча чўпон-чўликлар кечаю кундуз кир-адир кезиб, юртимиз қорига яраётганларидан, эл-юрт дастурхонлари файз-баракали бўлишида ҳормай-толмай меҳнат қилаётганларидан фахрланиладир.

**Аҳмадқон РИХСИБОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

Самарқанд Вилояти

## ХУРСАНДМУРОД ФЕРМЕРДАН ҲАММА ХУРСАНД

«Мусурмон-Одил Р.Саидназаров». Тайлоқлик тажрибали деҳқон Хурсандмурод Давронов бошчилик қилаётган фермер хўжалиги шундай аталади. Хўжаликнинг 50 гектар ер майдонида ғалла, картошка, кўплаб сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Яна боғдорчилик ҳам йўлга қўйилган.



Хурсандмурод ака дилкаш одам. Деҳқончиликнинг сир-асрорларини яхши билади. Шу боис, мўл ҳосил олади. Масалан, жорий йилда ғалла ҳосилдорлиги 70 центнердан ошди. Ялпи ҳосил 152 тоннага етди. Давлатга 73 тонна сара дон сотилди.

— Ихтиёрийимизда қолган ғалланинг 60 тоннасини ишчиларга иш ҳақи ва муқофот сифатида тарқатдик, — дейди фермер. — Ғаллачиликда ишлаётганларнинг 24 киши эканлигини ҳисобга олсак, бу улларнинг ҳар бири мавсум якунида 2,5 тоннадан ғаллага эгалик қилди, деганидир.

Фермер хўжалигида бошқа тармоқлардан ҳам юқори даромад олиняпти. Жумладан, бу йил 4 гектар майдонга картошканинг «Санта» ҳамда янги «Мадлин» нави экилди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилиши, ишга илғор тажрибаларнинг жорий этилиши натижасида эртаги картошканинг ҳар икки навидан мўл ҳосил кўтарилди. Ҳосилдорлик гектарига 300 центнердан ошди.

— Хурсандмурод фермернинг кар-

тошқачиликдаги ютуқларининг асосий сабаби, бу ерда уруғчиликнинг тўғри йўлга қўйилганида, — дейди хўжаликка хизмат кўрсатувчи Саидназаров номили МТП ҳосилоти Ҳамроқул Розиков. — Фермер ҳар йили Тошкентдаги картошка уруғчилиги билан шуғулланувчи «Агровер» корхонасидан сифатли уруғ келтиради. Бундан ишчилар шахсий томорқаларида ҳам фойдаланишиб, даромадларида даромад қўшишади.

Фермер хўжалигининг ғалладан бўшаган 11 гектар майдонда картошка, турли хил сабзавотлар етиштирилди. Бақлажон, бўлғор қалампир, пиёз ва ош қўқлар бозорга чиқарилиб, фермер хўжалиги аъзолари рўзгорини обод қилмоқда.

Жумладан, сувчи Тоир Тошев ўтган йили фермер хўжалиги кўмагида сугирли бўлди. Бир товۇққа ҳам дон, ҳам сув керак деганларидек, сугирга емиш етказиб беришнинг ўзи бўлмайдди. Аммо томорқа ҳам даладек яшнаб турса, бу масалада асло муаммо йўқ.

— Сигирнинг сутни тилида, — деб кўп эшитганман, — дейди сувчи Тоир Тошев. — Бу сигирга қанчалик кўп емиш берсанг, у сенга шунча кўп сут беради, дегани экан. Говмишимизнинг сутни баракали. Дастурхонимиз сут, қатик, қаймоққа тўлиб қолди.

3 гектарлик помидор ҳам мўл ҳосил бермоқда.

— Қайта ишлаш корхоналарига 100 тонна помидор топширишни мақсад қилганмиз, — дейди фермер. — Сабзавот етиштириб бериш борасида ҳам шартнома тузганмиз. Пайкалдаги ҳосил эса мўлжалдагидан ортиқ. Шу сабаб улларнинг бир қисмини бозорларда сотишни ҳам йўлга қўйганмиз.

Хурсандмурод аканинг 18 гектар майдонда узумзор ҳам бор. Фермер узумзор ҳосилининг ярмини қайта ишлаш корхонасига, ярмини бозорга сотади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**  
Акбар ҚАРШИЕВ,  
"Qishloq hayoti" мухбирлари.  
СУРАТДА: ҳосилот Ҳамроқул Розиков ва фермер Хурсандмурод Давронов.

ЯЙЛОВГА СОЧИЛГАН ЖАВОҲИР

